

74 КУН ҚОЛДИ



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» АРИЗА ТОПШИРДИ 2



ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАЙСИЗ, ГУНОҲНИМИ ЁКИ САВОБНИ? 3

ЎЗ «АКТУАЛ»ЛИГИНИ ЙЎҚОТГАН ЎЗГАРИШЛАРДАН КИМГА НИМА НАФ?



5

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАВЖАСИ




miiliy tiklanish

1995 йил 10 июндан чиқиб бораётган

www.mt.uz / gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru

№ 27 (1129) 2021 йил 11 август, chorshanba



ISSN 2010-4413

Буюк Британияда ҚҚС 1973 йилда жорий этилган бўлса-да, шу кунгача китоблар ушбу солиқ турига умуман тортилмади. Жанубий Корея, Ҳиндистон, Норвегия, Саудия Арабистони, Қатар ва бошқа давлатларнинг бугунги иқтисодий муваффақиятларида, илм-фаннинг раванқ топишида ҳам айнан китоб савдосининг давлат томонидан рағбатлантирилиши муҳим ўрин эгаллаган, десак хато бўлмайди.

# БУ ИЛДИЗГА БОЛТА ВЕРИШИ ДЕТГАНИ

Янги Ўзбекистонда тараққиётга эришиш учун билим олишимиз, изланишимиз, ўз устимизда ишлашимиз кераклиги қайта-қайта таъкидланмоқда.



3



## Дарслар гибрид шаклда ўтилиши мумкин

Янги 2021-2022 ўқув йили яқинлашгани сари ота-оналардан унинг қандай шаклда бўлиши борасида кўп-кўп саволлар тушмоқда, бахс-мунозаралар бўлмоқда. Барчангизга маълумки, бутун дунёдаги каби юртимизда ҳам коронавирусга чалиниш ҳолатлари давом этмоқда. Энг ачинарлиси, ўтган йилдагига нисбатан мактаб ёшидаги болалар орасида ҳам касаллик тарқалиши ҳолатлари кўпайгани кузатилмоқда. Шу боис, Халқ таълими вазирлиги янги 2021-2022 ўқув йилида мактабларда дарс жараёнини гибрид шаклда давом эттиришга тайёргарлик кўрилаётганини маълум қилди. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган брифингда Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Лайло Рустамова хабар қилди. Шунингдек, мактабда юзага келадиган вазиятга қараб, Санитария-эпидемиология назорати марказлари таклифига асосан, маҳаллий Кенгашлар қарорларига кўра, айрим мактаблар карантинга ёпилиб, масофавий тизимга ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ўқувчилар таълимни вақтинча масофавий шаклда уйдан давом эттиради. Ўқувчининг масофадан таълим олишига имконият яратиш мақсадида Миллий телерадиокомпаниянинг телеканаллари орқали «Онлайн мактаб» доирасида эфирга узатилаётган дарслар давом эттирилади. – Шу ўринда Халқ таълими вазирлиги аънаваний таълимнинг тўлиқ тикланиши учун барча тизим ходимлари тезроқ вакцина олишини сўраб қолади. Ҳеч қандай энг замонавий масофавий таълим тизими ҳам бевосита мактабдаги таълим ўрнини боса олмайди, – дейди Лайло Рустамова.

Файзулло ЯХЎЕВ, ЎЗА

2 ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ ОЛДИНГА ЎТИШЛАРИ КЕРАК!

САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ТУЗИЛГАНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ 3

ҲАРБИЙЛАР МАЖБУРИЙ ЭМЛАНАДИ 6



4 ҒАРБ ЛАШТИРИШ ҒАРИБ ЛАШТИРИШДИР

24 ОКТЯБРЬ 2021 ЙИЛ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

Сўранг, жавоб берамиз

### ЖУРНАЛИСТ ВА БЛОГЕР ТУШУНЧАСИГА ҚОНУНДА ҚАНДАЙ ТАЪРИФ БЕРИЛГАН?

«Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида белгиланишича, журналист – бу меҳнатга оид ёки бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари учун хабарлар ва материалларни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ҳамда тарқатишга доир фаолиятни амалга оширувчи шахсдир. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига кўра, блогер – Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахсдир.

Давоми 2-бетда











АҚШ томони америкалик харбиеларнинг 2003 илдангача Ироққа киришгача келган бу мамлакат музейларидан уворилган 17 мингта археологик буюмларни кайтарди. Мазкур буюмлар асарлар яқинда Вашингтонда АҚШ президенти билан учрашган Ироқ бош вазири Мустафо ал Козимининг самолёти билан Бағдогга олиб келинди.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ



## ПАПАГА АТАЛГАН ЎҚЛАР

Италия полицияси Милан шаҳри яқинидаги почта бўлимларидан бирида католиклар етакчиси бўлган папа Френцискога ичида 3 та ўқ солиб юборилган конвертни ушлаб қолдилар. Рейтер агентлигининг хабар беришича, Франциядан юборилган ушбу мактубга «Папа, Ватикан шаҳри, Авлиё Пётр майдони» деб ёзилган.

Айни пайтда воқеа юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Аммо расмий Ватикан ҳозирча воқеага ҳеч қандай изоҳ бергани йўқ.

## ЛОНДОН РАМЗИ «ИШЛАМАЙ» ҚОЛДИ

Лондон шаҳри рамзларидан бири — Tower Bridge кўприги ҳавода муаллақ туриб қолгани айтилмоқда. Шу тўғрисида бу ерда транспортлар ҳаракати тўхтаган.

Лондон полицияси хабарига кўра, 127 йиллик ушбу иншоот техник носозлик тўғрисида тўхтатилган. Бошқача айтганда, Темза дарёси орқали ўтаётган кемалар учун очилган кўприк қайта ёпилмай қолган. Мутасаддилар ҳайдовчи ва пиёдаларни бу ҳудуддан узоқроқ бўлиш ҳақида огоҳлантирди. Кўприкни бошқарувчи «Лондон Сити» вакили эса носозлик бўйича тергов бошланганлигини хабар қилди.

Маълумот ўрнида, 1894 йилда иш бошлаган кўприк саккиз йил давомида қурилган. Кўприк одатда йилига 800 марта очилиб, ёпилади. Утган йилнинг август ойида ҳам техник носозлик тўғрисида кўприкда бир соатдан ортиқ вақт давомида ҳаракат тўхтатилган эди.



## ҲАРБИЙЛАР МАЖБУРИЙ ЭМЛАНДИ

АҚШ президенти Жо Байден Пентагоннинг америкалик аскарларни мажбурий эмлаш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватлаб, АҚШ Мудофаа вазирининг ушбу қароридан мамнун эканини билдирди. Шунингдек, Жо Байден аскарлар, айниқса, вируснинг Делта штаммига қарши эмланиши муҳим эканини таъкидлади.



## ҚЎМОНДОН ИСТЕЪФОГА ЧИҚАДИМИ?

Хабарларга кўра, Грецияда ўрмон ёнғинларини ўчириш бўйича масъул ҳаво кучлари кўмондони Ёргос Кументакис лавозимидан озод қилинган. Айтилишича, кўмондоннинг истеъфоси Греция ёнғинларини ўчириш Бош штаби бошлиғи Констандинос Флорос бошчилигидаги Олий Ҳарбий Кенгаш йиғилишида талаб этилган. Бунга Ёргос Кументакис томонидан ўт ўчиришга ҳарбий ҳаво самолётлари етарлича жалб қилинмагани сабаб бўлган. Аммо бу қарор Ёргос Кументакис тарафидан қабул қилинганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ.



## ВАҚТИНЧА ЯШАШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛАДИ

АҚШ президенти Жо Байден Гонконг фуқароларининг Америкадан депортация қилиш ҳақидаги қарорини кечиктирганини эълон қилди. У Оқ уйдаги баёнотида Хитой Халқ Республикаси томонидан ҳуқуқ ва эркинликларга топталган гонконгликларга АҚШда вақтинча яшаш ҳуқуқи берилишини билдирган.

## ЛУКАШЕНКО ЯНА НОМЗОДИНИ ҚЎЯДИМИ?

Белорусь президенти Александр Лукашенко тез орада давлат раҳбари лавозимини тарк этишга тайёр эканини маълум қилди. Шу билан бирга, у журналистларни аниқ саналар ҳақида тахмин қилмасликка чақирди. Лукашенконинг сўзларига кўра, унинг тарафдорлари ва яқинлари президентликка номзодини қайта қўймасликни маслаҳат беришган.

Шунингдек, у мухолифат ҳокимиятга келишидан ва республика парчаланиб кетишидан хавотирда эканлигини ҳам таъкидлади.



## ТУРКИЯ ҚОЧҚИНЛАР ЛАГЕРИ ЭМАС

Туркия Адолат ва тараққиёт (АК) партияси матбуот котиби Умер Челик Марказий Идора Кенгаши йиғилишидан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Туркиянинг қочоқларни қабул қилаётгани бу мамлакатнинг қочоқлар лагери эканлигини аниқлаштиришга таъкидлаган. Унинг сўзларига кўра, ижтимоий тармоқлар орқали Туркияни ҳақорат қилаётганлар кўп учраётди. Котиб бу ҳолатларга қарши қонуний чора кўрилаётганини айтган.



## 8 ЁШЛИ БОЛАКАЙ ЎЛИМГА ҲУҚМ ҚИЛИНДИ

Покистондаги диний китоблар сақланадиган мадраса кутубхонасида бехосдан гиламга пешоб чиқарган 8 ёшли болакай ўлим жазосига ҳукм қилинди. Исми ошкор қилинмаган бу бола ҳинд миллатига мансуб бўлиб, у диний ҳақорат қилганликда айбланмоқда. Шу воқеа сабаб, мамлакатдаги мусулмонлар ҳиндларнинг ибодатхоналарига ҳужум қилишган.

Покистон кучлари боланинг оиласини яширин ҳудудда сақламоқда. Қариндошининг «Гардиан» газетасига берган интервьюсида болакай айби нима эканлигини ва нега қамоқда сақланаётганини билмаслигини айтган.



Маълумот ўрнида, Покистонда диний ҳақоратга қарши шафқатсиз жазо турлари аксарият ҳолатда ўзга миллат ёки ўзга дин вакилларига нисбатан қўлланилади.

## ҲУКУМАТ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛ-МАЯПТИ

Европа Иттифоқи таркибига кирувчи Голландия, Дания, Австрия, Германия, Бельгия ва Греция каби мамлакатлар бошлана сўраб мурожаат қилган Афғонистон фуқароларининг аризаларини рад этишмоқчи.

Қайд этилганидек, Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиги Дания ва Европа Иттифоқининг бошқа давлатларига мурожаат қилиб, афғонистонлик қочоқларни 3 ойга депорт қилмасликни сўраган эди.

Афсуски, ушбу мамлакатлар Афғонистон ҳукуматининг ушбу талаби бўйича Европа Иттифоқи Комиссиясига мурожаат қилиб, афғон муҳожирларини мамлакатига қайтарish бўйича қабул қилинган мавжуд келишувни ўз кучида қолдиришга чақирди.



## ТОКИО ОЛИМПИДАСИ ҚАНЧАГА ТУШДИ?

«Коммерсантъ-Daily» газетасининг ёзишича, Токиода ўтган XXXII Олимпиада ўйинлари Олимпия тарихида энг қимматга тушган спорт мусобақасига айланди. Унинг якуний қиймати тахминан 25 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Пандемия тўғрисидаги тадбирнинг бир йилга қолдирилиши харажатларни 2,8 миллиард долларга ошириб юборган.

Қайд этилишича, Олимпиада ўйинларига 206 мамлакат ташриф буюрган. Бу кўрсаткич 2016 йилги Рио-де-Жанейродагидан битта камдир. КХДР терма жамоаси ўзларини вирусдан асраш учун Токиодаги Олимпия ўйинларида қатнашмади.

Токиодаги Олимпия ўйинларида медаллар бўйича янги рекорд ўрнатилди, 93 та миллий олимпия қўмиталари вакиллари камида биттадан мукофотга сазовор бўлишди.

Япония расмийларига кўра, 4 миллиардга яқин томошабин мусобақани телевизор орқали томоша қилган. Бу эса ёнги ўйинлар учун рекорд натижадир.

Халқаро транциялардан тушган даромад эса тахминан 1 миллиард доллар атрофида экани айтиляпти. Энг муҳими, ушбу Олимпиадада бирорта ҳам спортчи допинг тўғрисида мукофотидан маҳрум этилмади.





Ўзбекистон гимнастика федерациясини тубдан ислоҳ қилиш керак! Икки йиллик умри шу федерацияда ўтган она сифатида айта оламани, бу ердаги мураббийларга шогирдининг ютуғи мутлақо аҳамиятсиз.

# Бегоналик феномени



Нилуфар ЖУМАЕВА

Юқоридан ким бу федерацияни «химоя» қилади, билмадимку, лекин ўша одам Ўзбекистоннинг душмани, деган фикрга келдим. Акс ҳолда, бу федерация шу пайтга қадар ўзини намоён этган бўларди. Сиз федерацияга кириб чиққунча Сабина Тошкенбоева ҳақидаги гапларни эшитасиз. Бироқ унинг, адашмасам, энг катта натижаси Осиё ўйинларида иштирок этгани, холос. «O'zbekiston» телеканали орқали намоён бўлган бадий гимнастика бўйича яққал баҳс-муносабаларини томоша қилдим. Олимпиадага бориши керак бўлган Тошкенбоевада COVID-19 аниқлангани боис, энг сўнги дақиқаларда Екатерина Фетисова унинг ўрнига борибди. Гимнастикачимизнинг кайфияти ҳаминқадар, хавотирли юзида ҳозир. Гимнастика бўйича мураббий Замира Санақулованинг фикрича, Фетисова бундай нуфузли мусобақага тайёр эмас экан. Бошқача бўлиши мумкинми?

Спорт гимнастикаси бўйича жамоавий баҳсларни кузатдим. АҚШ терма жамоаси сардори, 4 карра Олимпиада чемпиони Симона Байлз жароҳатлангани боис, баҳсларда унинг ўрнига иштирок этиш учун олдиндан тайёрланган ва захира сифатида олиб келинган

гимнастикачи билан алмаштирилди. Бу тўғри тактика. ОЛҚИШЛАР!!! Хўш, биздечи, бизда захира тайёрланадими? Фетисова 17 балл тўплаб, энг паст натижани қайд этди, шарҳловчи эса уни бу мусобақага қўйилмаганда келганини айтишдан уялмади ҳам. Ие, буёғи жуда ғалати-ю? Қандай даврда яшайпмиз? Иссиқ жон, касал бўлиши мумкинлиги нега инobatга олинмайди? Бир йил кечиккани билан ҳисоблаганда, 5 йил давомида Ўзбекистон гимнастика федерацияси наҳотки 3-4 нафар қизларни тайёрлай олмаган бўлса? Бизда Алина Кабаева даражасидаги, опа-сингил Авериналардек маҳоратлилар йўқми? Бор!!! Бўлганда-чи!

Бироқ гимнастика федерациясидагилар истеъдодлиларни ўзларининг совуқ муомаласию дағал, кўрс ва безбет муносабати оқибатида йўққа чиқариш билан овора. Олимпиада мусобақаларида гимнастикачиларнинг деярли барчаси хатога йўл қўйди, бироқ тренерлар шогирдларини кучоқлаб, қўллаб-қувватлапти. Бечорагина ФЕТИСОВАни кўрганнгизда эди: тренернинг қовоғидан қор ёғяпти, бўлди, сен шу ернинг ўзида кўмилдинг, гимнастикага бошқа келмай қўяқол, деган маънони ўқи

олиш қийинмас унинг совуқ юзидан. Фетисова йиглаб юборадиган даражада турибди. Нега? Қўтилмаганда бировнинг ўрнига келиб, муваффақиятсиз қатнашгани учунми? Ўзбек гимнастикасини наҳотки ислоҳ қилиб бўлмайди? Захирага спортчи тайёрласа, гегемонлар тренери еб битиришадими?

Ўз пайтида Алина Кабаева ҳам Ўзбекистон гимнастика федерациясининг ботқоққа ботган тренерлари томонидан истеъдодсизсан, дея қўвилган эди. Алина онаси билан Москвага Ирина Виннернинг олдига бориб, шуғуллана бошлагач, Виннер номига Ўзбекистон гимнастика федерациясидан Алинанинг устидан балчиққа қориштирилган қанчадан-қанча хатлар борди. Бу ҳақда Ирина Виннернинг ўзи айтиб берганди бир кўрсатувда. Ўша «истеъдодсиз» қиз Виннернинг кўлида дунёнинг биринчи рақамли гимнастикачиси бўлиб етишди... Ғалати парадокс, шундай эмасми?

Ўзбекистонга истеъдодлилар керакмасми? Наҳотки, халқумидан бошқасини ўйламайдиган мураббийлардан воз кечиб бўлмаса? Туризм ва спорт вазирлиги мутасаддилари, Сиздан ўзгариш кутамиз. Акс ҳолда ҳалибери сифат учун ишлашимиз даргумон!



ИКРОР

Устоз Хуршид Дўстмуҳаммадга йўлингга чироқлар тутади, Келмасинг билса ҳам кутади, Қадрсиз, қадрингга етади, Дунёнинг энг яхши одами. У борки, қоматинг кўркамдир, У борки, ҳар қушинг кўкламдир, Дарбадар келангга елқандир, Дунёнинг энг яхши одами. Йўлингдан борлиқлар ясади, Шонингга ёрлиқлар тўшайди, Қарани отангга ўхшайди, Дунёнинг энг яхши одами. Шамолда тебранган анордек, Ёрилиб тинглайди ёрондек, Соясинг минг йиллик чинордек, Дунёнинг энг яхши одами. Юреанда майсалар қуларлар, Сўз айтса, кумрилар тинарлар, Кўксига ин қурган турналар, Дунёнинг энг яхши одами. Дарё у – ирмоқлар шошгувчи, Тўлқиндир қирғоқдан тошгувчи, У ишқидир – ҳақдидан ошгувчи, Дунёнинг энг яхши одами. Рўҳингга қувват ҳам ўшадир, Энг жонон суҳбат ҳам ўшадир, Топганинг ҳикмат ҳам ўшадир, Дунёнинг энг яхши одами.

\*\*\*

Ҳ-е-е-й, Жонини жабборга бераётган зот, Қўмлоққа иморат қураётган, зот, Музага гул уруғин сепайтган, зот, Айтинг-чи, умрингиз увол эмасми?

Ҳ-е-е-й, Шамолга сирини айтганлар, айтинг, Ёмғирга ҳовучин туганлар, айтинг Қиморга дунёни ютганлар, айтинг, Айтинг-чи, умрингиз увол эмасми?

Ҳ-е-е-й, Қуёни нурларини чироқ деганлар, Ойнинг ҳилолини ўроқ деганлар, Қош билан қабонни йироқ деганлар, Айтинг-чи, умрингиз увол эмасми?

Ҳ-е-е-й, Меҳрни ўзидан, қизганган кимса, Йўқ жойдан гавғолар қўзатган кимса, Тинчликни тўзондай тўзатган кимса, Айтинг-чи, умрингиз увол эмасми?

Ҳ-е-е-й, Қаҳ қаҳа билмаган, сохта табассум, Гулларга термулиб, гулламаган зум, Тўрт фасл баробар қаҳратон мавсум, Айтинг-чи, умрингиз увол эмасми?

Ҳ-е-е-й, Уч юз йил қаргадек яшамоқми, аҳд? Тошбақа қасрида орузнгизми, тахт?! Сиз ХАЗРАТИ ИНСОНСИЗ, илмивгизми бххх! Айтинг-чи, умрингиз увол эмасми?

\*\*\*

Чорласайдинг, Келмасидим, ёр, Сеинг учун ўлмасидим, ёр, Дунёни терс, бурмасидим, ёр?! Оромим ёр, ободим ёр, офтобим ёр...

Ёмғир қулса, Эсламингизми, Қуёни сўнса, эсламингизми?! Тош ёрилса, эсламингизми, Оромим ёр, ободим ёр, офтобим ёр...

Заҳар тутсанг, Шарбатим, ўша, Шохдай эсанг, қоматим, ўша, Сен чорласанг, омадим, ўша, Оромим ёр, ободим ёр, офтобим ёр...

Чорлаганлар Кам бўлгани йўқ, Қуёни ёнса шам бўлгани йўқ, Ёстиқлари нам бўлгани йўқ, Оромим ёр, ободим ёр, офтобим ёр...

Чорласайдинг, Учиб борардим, Тоғ бўлсам ҳам кўчиб борардим, Жаннатларни кўчиб борардим, Оромим ёр, ободим ёр, офтобим ёр...

## Бошқотирма

### Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat	Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 11 avgust	+37° +19°	ochiq havо	0%
Payshanba 12 avgust	+36° +18°	ochiq havо	0%
Juma 13 avgust	+34° +17°	ochiq havо	0%
Shanba 14 avgust	+32° +17°	ochiq havо	0%
Yakshanba 15 avgust	+31° +16°	joylarda bulutli	0%
Dushanba 16 avgust	+32° +18°	ochiq havо	0%
Seshanba 17 avgust	+34° +18°	ochiq havо	0%

### Келинг, бир кулишайлик!

– Ғарбликларнинг Санта-Клаусдан ўзимиздаги Қорбобонинг қандай фарқи бор?

– Уларники ҳамини шу ёр ва ёлғиз. Бизники эса доимо ширакайф ва ёнида қизчасиям бор...

Келинига телефон қилган қайнона сўрабди:

– Уғлим қалай? Яхши юрибдимми? Келини:

– Ҳа. Ҳар куни ярим тунда маст бўлиб уйга келадилар. Ишга бормаяптилар. Нотаниш аёллар билан телефонда гаплашиб ўтиришади.

Қайнонаси:

– Ҳайрият. Касал бўлмаса бўлди!

Word search grid containing various words and phrases.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЭСИЙ ГАЗЕТАСИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Алишер КОДИРОВ – кенгаш раиси,  
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,  
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,  
Илхом АБДУЛЛАЕВ, Минхожиддин МИРЗО,  
Нодир МУХТОРОВ, Одиложон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ,  
Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ,  
Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,  
Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ,  
Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

**Бош муҳаррир:**  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
Тошкент шаҳри,  
Миробод тумани,  
Буюк Турон кўчаси,  
41-уй.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Тахририятта келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

**Набатчи муҳаррир:**  
Равшан МАХМУДОВ  
**Набатчи:**  
Вилоятхон ШОДИЕВА  
**Дизайн гуруҳи:**  
Маъмуржон ҚУДРАТОВ,  
Умид АРСЛОНБЕКОВ,  
Фирдавс ХАМИДУЛЛАЕВ,  
Соҳиба СОЛИЕВА

Газета «SHARQ» нашриёти-мағбаа акциядорлик компаниясида chop этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

**Адади – 24 976.**  
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.  
**Қоғоз бичими:** 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ  
Буюртма – 816  
Босишга топшириш вақти 21.00.  
Топширилди 12:40

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

**Электрон почта:**  
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

**ISSN 2010-7714**

123456